

Шундай қилиб, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг педагогик технологияси ўзида методлар тизими, таълим методик усуллари, мақсад, воситалари, ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари ҳамда якуний натижаларга эришиш борасидаги мажмуани муҳассамлаштиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Авлаев О.У. Влияние интерактивных методов обучения на интеллектуальную динамику студентов// Materials of the international scientific conference «Global science and innovations 3» May 18, 2018, 148-153 p.

2. Авлаев О.У. Талабалар камолотида ижтимоий интеллектнинг гендер фарқлари// “Psixologiya” ilmiy jurnal. 2021. № 1, 34-41 бетлар.

3. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикий асослари. – Т.: “Фан”, 2006, 5-57-бетлар; Ёўлдошев Ж., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009, 151-184-бетлар

4. Мирзаев Ч., Ўрозалиев Т. Таълим методларини такомиллаштирайлик. // Халқ таълими, 2001 йил, 3-сон, 5-бетлар.

ТАЪЛИМДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Мирзаева Сайёра Рустамовна

Тошкент вилояти, Чирчиқ давлат педагогика институти доценти, п.ф.н

Ҳозирги даврда таълим тизимида ўқитишнинг интерфаол (интерактив) метод (усул)ларидан кенг фойдаланилмоқда. Бунда интерфаол ўқитиш методларини тўғри танлаш ва тегишли муҳим мезонларини ҳисобга олишни тақозо этади.

Педагогикада анъанавий методларни танлаш мезонлари катта миқдорда ишлаб чиқилган, кейинги йилларда дидактик олимларнинг ишларида уларнинг йигирмадан ортиғи келтирилади. Биз уларни назарий таҳлил қилиш асосида, шунингдек, 60 дан ортиқ олий ўқув юрти ўқитувчилари билан ўтказилган сўров натижаларига таянган ҳолда, интерфаол методларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб қўйидаги мезонларни алоҳида ажратиб кўрсатамиз:

1. Интерфаол методларни танлаш мезони – уларнинг *таълим ва тарбия, ривожлантириш масалаларини ечишга юқори йўналганлигидир*. Бу мезон турли хил методларни у ёки бу доирадаги вазифаларни ечиш имкониятларини баҳолаш йўли билан жорий этилади, чунки ижтимоий тажриба элементларини ўзлаштиришда уларнинг имкониятлари турличадир.

Биз тажрибаларга таянган ҳолда интерфаол методларнинг ўқув-тарбиявий масалаларни ечишдаги қиёсий имкониятларини 1-жадвалда келтираамиз.

2. Интерфаол методларни танлашнинг навбатдаги мезони уларнинг *таълим мазмуни хусусиятига мос келишидир*. Метод мазмуни ҳаракатланиш цикли (Гегель) сифатида ҳам аниқланади. Шу боисдан бу мезоннинг ҳисобга олиниши шубҳасиз. Бир метод ёрдамида мавзу мазмуни тўлароқ очиб берилса, бошқаси уни ижодий ўзлаштиришга имкон туғдиради, учинчиси – бу мазмун учун яроқсиз бўлиши мумкин. 1-расм ҳар бир интерфаол методнинг муайян мазмун турини ўзлаштиришдаги ролини кўрсатади.

Биз асосий интерфаол методларни ажратиб кўрсатдик, бироқ уларни рўёбга чиқариш шакллари жорий этиш воситалари каби турлича бўлиши мумкин. Масалан, *ақлий ҳужум, танқидий фикрлаш, ажуралли арра, менюлар, оғзаки сўз, дарслик, ўқиш, кино ёки телевидение, бошқа тасвирий воситалар орқали амалга оширилса, кластер, синквейн, ўз ўрнигини топ* каби методлар ўқитувчилардан олдиндан кўрсатиб берган фаолият усуллари такрорлашни тақозо этади.

3. Интерфаол методларни танлашнинг яна бир мезони уларнинг *талабалар ўқув имкониятларига тўлиқ мос келиши*, яъни самарали ўқув фаолияти учун ички ва ташқи шарт-шароитларининг бирлигини таъминлашдир.

№	Интерфаол ўқитиш методлари	Шакллантириш			Ривожлантириш				
		Назарий билим	Фактик билим	Ақлий меҳнат кўникмалари	Абстракт тафаккур	Кўрсатмали, мунозарали тафаккур	Тафаккурнинг мустақиллиги	Нутқ	Билишга қизиқиш
1	Ақлий хужум	+	+	-	+	-	+	+	-
2	Ажурли арра	+	+	+	+	+	+	+	+
3	Мунозара	+	+	-	+	-	+	+	+
4	Ўз ўрнининг топ	-	+	-	+	+	+	-	-
5	Дебат	+	+	+	+	+	+	+	+
6	Меню	+	+	+	+	+	+	-	+
7	Танқидий фикрлаш	+	+	+	+	-	+	+	+
8	Кичик гуруҳларда ишлаш	+	+	+	-	+	+	+	+
9	Кластер	+	+	+	+	+	+	-	+
10	Синквейн	+	+	+	+	+	+	-	+

Изоҳ: +! – масалани бирмунча муваффақиятли ечиш;

++ – масалани асосан ечади;

+++ – масалани бирмунча заиф ечади;

--- – масалани еча олмайди.

Олиб борилган кузатишларнинг кўрсатишича, реал ўқув имкониятларини ўрганишда куйидаги шартларни аниқдаштириш керак бўлади: талабаларнинг мустақил фаолиятга тайёргарлиги (ўқув ишларини режалаштириш, машғулот мақсади ва вазифаларини тўлиқ белгилаб олиш кўникмаси, ўз-ўзини назорат, тескари алоқа ўрнатиш ва қўшимча дидактик жараёни қуриш); талабаларнинг ижодий фаолиятга тайёргарлиги (фикрлаш мустақиллиги, ўқув материалларидаги асосий ғояни илғаб олиш кўникмаси, топшириқ шартларини белгилаш ва уни ечиш методларини мустақил топиш кўникмаси); ўқишга муносабати ва бошқалар.

Аудитория тайёргарлигининг юқори даражаси интерфаол методлар улушини бирмунча оширишни, репродуктив воситаларни камайтиришни талаб этади. Аксинча, аудиторияга тайёргарлиги паст даражада бўлган талабалар билан ўқитиш методини танлашнинг ўзгача тактикаси қўлланилади, бунда маъруза, тушунтириш, кўрсатмалилик методларининг мавқеи ортади.

4. Интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланишда *педагогнинг хусусий имкониятлари мос келиши лозим*. Бу педагогнинг ўқитиш методлари назарияси ва амалиёти билан, ўқитиш жараёнининг қонуниятлари билан, билиш назариялари (ақлий ҳаракатларли босқичма-босқич шакллантириш, бихевиоризм, генштальт назарияси ва бошқалар) таълим мазмуни назарияси ва бошқа мавжуд қонунлар билан қуролланганлик даражасини ҳисобга олади. Маълумки, дарснинг дидактик мақсадларига турли методлардан, уларнинг ўзаро бирикувидан оқилона фойдаланиш эвазига эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, методлар компенсаторлик (бири йўл қўйган камчилик бошқаси эвазига йўқотилади, яъни меъёрланади) имкониятларига эга. Бироқ бу жараёни уюштириш, вақт ва куч сарфини тежаш, бир томондан, талабаларда мустақил фикрлашни ривожлантириш, бошқа томондан, интерфаол методлардан фойдаланиш заруриятини кун тартибига қўймоқда.

Бугун ОЎЮ ўқитувчилари интерфаол методлар тўғрисида етарлича билимларга эгами? Бу саволга жавоб топиш мақсадида 10 саволдан иборат махсус сўровнома тузилди ва респондентларга тарқатилди. Улар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган, олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари (200 нафар) бўлиб, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий Педагогика институтига ўз малакасини ошириш учун келишган. Сўров 2004-2009 ўқув йиллари давомида ўтказилди ва таҳлил қилинди. Натижалар, айтарлиқ, қувонарли эмас. *“Интерфаол методлар номенклатурасини (номларини) ёзинг”* деган саволга сўралганлардан 87 фоизи *“нотўғри”*, 11 фоизи *“қисман тўғри”*, ва 2 фоизи (4 киши) *“аниқ”* (*“тўғри”*) деб жавоб беришди. Тўғри жавоб *“соҳиблари”* билан ўтказилган индивидуал суҳбатлардан маълум бўлишича, улар *“СОРОС”* фонди орқали олдин малакаларини оширган ўқитувчилар бўлиб чиқишди.

Профессор-ўқитувчиларни бу *“инқироз”*дан соқит қилиш мақсадида *“Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари”* мавзусида 2 соатлик маъруза (*“Янги педагогик технологиялар”* курси доирасида) ўқилди ва тарқатма дидактик материаллар билан таъминланди.

5. Интерфаол методларни танлаш мезонларидан кейингиси – уларнинг ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари билан мос келишидир. Дарвоқе, ўқитишнинг ялпи (фронтал), гуруҳли ва индивидуал шакллари турлича методларни талаб этади. Мисол учун дебат методи икки талаба (ёки икки гуруҳча) ўртасидаги баҳс ҳисобланса, *“ақлий ҳужум”*да гуруҳдаги барча талабаларнинг иштироки зарур бўлади. Шу билан биргаликда бу мезон мавзунинг мураккаблик даражасига мос ҳолда шакл ва методнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга йўналтирилади.

6. Интерфаол методларнинг педагогик технология принципларига мос келиши умумлаштирувчи мезон ҳисобланади. Маълумки, педагогик технология ҳам маълум қонуниятлар асосида лойиҳаланади ва ўқув жараёнини ташкил этишга асос яратади, жорий қилинган эса яқиний натижани, талабанинг у ёки бу мавзунинг ўзлаштириш мустақиллигини таъминлайди. Бу асослар педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб туради. Уларни педагогик технология принциплари деб аташ мумкин. Интерфаол методлар ёрдамида педагогик технология асоси – дидактик жараённи қуришда ана шу принципларга таянилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу мезонларнинг барчаси ўзаро боғлиқ ва жамулжам қўлланилади, бир-бирига сингишиб кетади. Улардан у ёки бу кетма-кетликда фойдаланишнинг ишончлилиги тўғрисида экспертлар баҳоси бирор-бир таклиф кирита олмаса-да, юқорида номлари келтирилган мезонларнинг барчасидан фойдаланиш зарурати ҳақида ишончли фикрни асослаб беради ёхуд улардан бирортасининг иштирок этмаслиги методларини танлаш муолажасининг самарали кечиши, яхлитлигини таъминламайди.¹

Интерфаол методларни танлаш ва муайян ўқитиш технологиясини мавзу мақсадига мувофиқ тарзда конструкциялаш, фикримизча, қуйидаги босқичларни қамраб олади:

– ўрганилаётган ўқув материалларининг мазмуни таҳлил қилинади. Таълим мазмуни элементи сифатида ўқув материалининг сифатли хусусиятлари (билимлар, фаолиятни амалга ошириш усуллари – кўникма ва мавжуд ижодиёт тажрибаси) аниқланади. Таълим мазмунининг ҳар бир элементи учун ўзлаштиришнинг алоҳида фаолият тури мос келади, бинобарин, ўқитиш методларининг муайян гуруҳи ҳам танланади.

Ўқув ахборотининг мантикий тузилмаси характери (яхлит ёки қисми) ва психологик табиати (мантикий-исботли, ҳаяжонли-тимсолли, аниқ-характерли тавсиф) белгилаб олинади.

Билув топшириқларининг мазмунли жамланмасини ажратиш мақсадида материални ички йўналишлари, томонлари, тафовутлари таҳлил қилинади:

– ўрганилаётган материалнинг талабалар учун янгилик даражаси ва билимларни эгаллашда уларнинг мустақиллик даражаси вақт омили ва вариантларини мазмунли

¹ Қаранг: Сайидахмедов Н., Мирзажоннова Д. Талабаларда мустақил фикрлашни шакллантиришда интерфаол методлардан фойдаланиш мезонлари. // UZLUKSIZ TA'LIM, 2006 йил, 1-сон, 18-25-бетлар

таҳлиллаш асосида ажратилган билув натижаларини мақбуллаштириш масалаларини ҳисобга олиб аниқланади;

– таълимининг умумий мақсадидан келиб чиқиб ўқитишнинг айти босқичидаги тарбиявий ва ривожлантирувчи масалаларни ечиш заруратини ҳисобга олган ҳолда ажратилган вариант (топширик)лар таҳлилланади ва баҳоланади;

– умумий масалаларни ечишда метод ва усулларнинг бир-бирига қўшилиш кетма-кетлиги мувофиқлаштирилади.

Шундай қилиб, интерфаол методларни саралаш мезонларидан яна бири – бу таълим олувчилар фаолияти характерини мураккаблаштириш ва уларнинг мустақиллигини аста-секин оширишдир. Бироқ ҳар бир янги саволларни, мавзу ва бўлимларни ўрганишда методларни қўллашнинг мураккаблик даражаси бўйича бирмунча соддасига қайтиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Авлаев О.У. Влияние интерактивных методов обучения на интеллектуальную динамику студентов// Materials of the international scientific conference «Global science and innovations 3» May 18, 2018, 148-153 p.

2. Авлаев О.У. Талабалар камолотида ижтимоий интеллектнинг гендер фарқлари// “Psixologiya” ilmiy jurnal. 2021. № 1, 34-41 бетлар.

3. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. –Т.: “Турон-Иқбол”, 2006..

4.Қаюмов К. Педагогик жараёни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.//Таълим менежменти, 2007 йил 3-сон.

5.Ғайбуллаев Н., Ёдгорова Р., Маматқулов Р., Тошмуродова Қ. Педагогика. – Т.: 2000

6. Ҳасанов С. Касб таълими: таълим технологияларининг ўрни ва аҳамияти. – Т.: 2009.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ (“РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН - 2030” СТРАТЕГИЯСИ)

Ж.С. Эштемиров

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси Қарши ҳудудий филиали директори

Ҳозирги глобаллашув жараёнида, яъни рақамли инкилоб ва виртуал даврда рақамли технологияларини ҳар қандай соҳага қўллаш юқори самарадорликка олиб келади. Рақамли технологияларни жамиятга тадбиқ этиш- иқтисодиётни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш, иш ўринларини кўпайтириш, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли яшаш даражасини оширишга олиб келади.

Жамиятни ахборотлаштириш деганда, ахборотдан иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакат фан-техника тараққиётини, жамиятни демократлаштириш ва интеллектуаллаштириш жараёнларини жадаллаштиришни таъминлайдиган жамият бойлиги сифатида фойдаланиш тушунилади. Жамиятни ахборотлаштириш жараёнини 5 асосий йўналишга ажратиш мумкин:

1. Меҳнат, технологик ва ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш
2. Илмий тадқиқотлар, лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш
3. Ташкилий- иқтисодий бошқаришни ахборотлаштириш
4. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини ахборотлаштириш
5. Таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ахборотлаштириш

Рақамли трансформация - бу рақамли технологияларни жорий этиш орқали мавжуд стратегия, моделлар, операциялар, маҳсулотлар, маркетинг ёндашуви ва мақсадларини қайта кўриб чиқиш орқали бошқарув тизимини ўзгартиришдир. Рақамли трансформация иш жараёнини, айтиқса, **давлат бошқарувини тубдан ўзгартиради**. Давлат ҳокимияти органлари олдида нафақат фуқаролар ва бизнес учун қулайроқ бўлиш, балки шаффофлик,